Lola AZIMOVA,
International Islamic Academy of Uzbekistan,
researcher. *lola-azim02@mail.ru 11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan*
tel: 97/425-21-25 mob

ХАЛҚ КИТОБИ “МУСИБАТНОМАИ ТУРКИЙ”ДА ЛИРИК ТАСВИРЛАР ТАЛҚИНИ

ТОЛКОВАНИЕ ЛИРИЧЕСКИХ ИЗОБРАЖЕНИЙ В НАРОДНОЙ КНИГЕ “МУСИБАТНОМАИ ТУРКИЙ”

INTERPRETATION OF LYRICAL IMAGES IN NATIONAL BOOK “MUSIBATNOMAI TURKI”

Калит сўзлар: *қисса, қаҳрамон, шеър, тасвир, изтироб, кечинма, туйғу, қалб, гоя, гуманизм, фожиа, нола, муножот, зулм, азоб, жанг.*

Ключевые слова*: история, герой, лирика, поэзия, образ, боль, чувства, эмоции, сердце, душа, идеология, гуманизм, трагедия, печаль, угнетение, пытки, война, мука.*

Key words: *the story, hero, lyrics, poetry, image, pain, feelings, emotions, heart, soul, ideology, humanism, tragedy, sadness, oppression, torture, torment, war.*

Халқ маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Дарҳақиқат, “Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир” [1]. Зеро, “... тарихимиз, маданиятимиз, динимизга алоқадор бир варақ қўлёзма бўлса ҳам, уларни тўплаб, халқимизни, ёшларимизни таништириш, бизнинг қандай буюк ва бетакрор меросимиз борлигини англатиш, фарзандларимизни шу улуғ меросга муносиб этиб тарбиялашдан иборат” [2]дир.

Маълумки, ўзбек адабиётида ислом тарихи билан боғлиқ асарлар талайгина. Хусусан, “Карбало фожиаси” номи билан машҳур Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайннинг фожиали ўлими ҳақида кўпгина асарлар яратилган. Жумладан, Увайсийнинг “Карбалонома”, Холис Тошкандийнинг “Қиссаи Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн”, “Қиссаи Карбало”, Собир Сайқалийнинг “Равзат уш-шуҳадо”, XIX аср охири – XX аср бошларида яшаган Нисо ва Хоний достонлари ва халқ орасида тарқалган яна кўплаб асарлар (Хаста, Хатоий, Ҳажрий тахаллуслари билан ижод қилган ижодкорлар)ни тилга олиш мумкин. Шунингдек, халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт маҳсули ўлароқ юзага келган “Мусибатномаи туркий”, “Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн”, “Қиссаи Имом Ҳусайн” ва бошқа шу номдаги халқ қиссалари ҳам ўзбек адабиётида кўпчиликни ташкил этади. Шундай асарлардан бири “Мусибатномаи туркий” қиссаси бўлиб, асар XVIII аср охири – XIX аср бошларида юзага келган. Баён усулининг содда ва равонлиги, баъзи шеърий парчаларнинг ўша давр манбаларида учраши [3; 197 б.] асарнинг шу даврларга хослигини кўрсатади. Асар XIX аср охири – XX аср бошларида бир неча бор китобат қилинган.

“Мусибатнома”нинг бир қанча қўлёзма ва тошбосма нусхалари Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида, Ҳамид Сулаймон фондида ҳамда Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Манбалар хазинасида сақланади. Кўпчилик асарларнинг тошбосма нашри 1900–1901 йилларда Тошкентда В.М.Ильин типографиясида Абдурауф Ҳожи ибн Абдунаби ва Акмалхон котиблар томонидан амалга оширилган.

“Мусибатномаи туркий” асарида Карбало даштидаги қонли тўқнашувлар ҳамда Ҳазрати Али (р.а.) ва Биби Фотима (р.а.) фарзандлари – Пайғамбаримиз (с.а.в.) набиралари Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайннинг фожиали ўлими тасвирланган. Асарда Иброҳим (а.с.) ҳаёти ва Муҳаммад (с.а.в.)нинг дунёга келиши, қилган ишлари ҳамда саҳобалар фаолияти ҳам ўрин олган. Бу воқеалар Карбало фожиасига боғланиб, тақдири азалда битилган қонли ҳодисалар, албатта, рўй бериши ҳикоя қилинади. Пайғамбарлар, саҳобалар ҳаёти ва Карбало воқеалари ўзига хос бадиий тарзда ёритилган. Асар сюжети ривоятлар, ҳикоялар, диний тушунча ва қарашлар орқали бойитиб борилган. Карбалодаги ҳар бир воқеа тафсилоти ниҳоятда таъсирли, санъаткорона тасвирланган.

“Мусибатнома” қиссасининг поэтик жозибаси, тасвир оҳангини содда ва равон тилда, халқ руҳиятига мос ҳолда ёзилган шеърий парчалар таъминлаган. Тарихий воқелик замирида мужассам бўлган инсоний дард, қалб туғёнлари, руҳий изтироблар шеърий мисраларда айрича, форс шеърияти нафосатига хос гўзал тасвирлар орқали очиб берилади.

Ўзбек адабиётида ислом тарихи билан боғлиқ кўплаб асарлар мавжуд. Хусусан, “Карбало фожиаси” номи билан машҳур Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайннинг фожиали ўлими ҳақида кўпгина асарлар юзага келган. Жумладан, Увайсийнинг “Карбалонома”, Холис Тошкандийнинг “Қиссаи Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн”, “Қиссаи Карбало”, Собир Сайқалийнинг “Равзат уш-шуҳадо”, Нисо ва Хоний достонлари ҳамда қиссаларидан “Мусибатномаи туркий”, “Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн”, “Қиссаи Имом Ҳусайн” каби ҳам ўзбек адабиётида кўпчиликни ташкил этади. Шундай асарлардан бири “Мусибатномаи туркий” бўлиб, асар XVIII аср охири – XIX аср бошларида юзага келган ва XIX аср охири – XX аср бошларида бир неча бор китобат қилинган.

Мақолада “Мусибатномаи туркий” қиссасининг бадиий хусусиятлари, хусусан, асар қаҳрамонларининг руҳий кечинмаларини тасвирлашда шеъриятдан фойдаланиш даражаси, воқеликнинг янада таъсирли бўлишини таъминлашда лириканинг ўрни ва аҳамияти ёритиб берилган. Шунингдек, асарда шеърлар Имом Ҳусайн фожиасига муносабат, руҳий изтироб сифатида қўлланганлиги ва бу орқали инсонпарварлик ғоялари бадиий тарзда очиб берилганлиги, фалсафий, дидактик қарашлар илгари сурилганлиги мисоллар асосида таҳлил этилган.

В узбекской литературе много работ, связанных с историей ислама. В частности, есть много работ о трагической гибели Имама Хасана и Имама Хусейна, которые также известны как трагедия Кербелы.

В узбекской литературе среди подобных произведений имеется много рассказов, как «Карбалонома» Увайси, “Киссаи Имам Хасан ва Имам Хусайн”, “Киссаи Карбало” Халиса Ташканди, “Равзат уш-шухада” Сабира Сайкали, эпосы Нисо и Хони, и народные книги, как «Мусибатномаи туркий», «Имам Хасан и Имам Хусайн» и «Киссаи Имам Хусайн».

В статье описаны художественные особенности народной книги «Мусибатномаи туркий», в частности, мастерство использования поэзии в изображении духовных эмоций героев произведения, роль и значение лирики в придании еще более впечатляющей реалистичности.

В статье также анализируется использование лирических эпизодов как выражение реакции на трагедию Имама Хусейна, психологической боли, посредством чего художественно выражаются гуманистические идеи и выдвигаются философские, дидактические взгляды.

There are many works in Uzbek literature related to the history of Islam. In particular, there are many works about the tragic death of Imam Hassan and Imam Hussein, which are also known as the tragedy of Kerbela.

Among them, in Uzbek literature there are many stories like ‘Karbalonoma’ by Uvaysi, ‘Kissai Imam Hassan va Imam Husayn’ and ‘Kissai Carbalo’ by Khalis Tashkandi, ‘Ravzat ush-shuhada’ by Sabir Saykali, the epics Niso and Khoni, and folk books like ‘ Musibatnomai Turki’,’ Imam Hassan and Imam Husayn’ and ‘Kissai Imam Husayn’.

The article describes the artistic features of the folk book ‘Musibatnomai Turki’, in particular, the usage of poetry in the description of the spiritual emotions of the heroes of the book, the role and importance of the lyrics in order to make the reality even more impressive.

It is also analyzed that the poems in the novel are used as a reaction to the tragedy of Imam Hussein, as well as the mental anguish, through which humanistic ideas are artistically expressed, and put forward philosophical, didactic views.

Шунингдек, воқелик ва илгари сурилган ғоя таъсирчан ва жонли тарзда ўз ифодасини топган. Асарда шеърий парчалар халқона услубда содда ва равон тилда ёзилган бўлиб, улар мисра, байт, тўртлик ҳамда марсиялардан иборат. Шеърий парчаларнинг аксарияти форс тилида бўлиб, кўпроқ насрий қисмни тўлдириб келган. Яъни насрий баёндаги воқелик мазмунидан келиб чиққан ҳолда берилган.

Асарда ўзбек тилида йирикроқ ҳажмли Имом Ҳусайнга бағишланган иккита марсия келтирилган. Чунончи, имомнинг аёли Шаҳрибону томонидан айтилган марсиялар жами 204 мисрадан иборат (**а а б а в а г а** тарзида қофияланган) бўлиб, унда Пайғамбар ва ул зот авлоди ҳаётидаги бутун фожиали воқеалар тасвирланган. Марсиялар даставвал Имом Ҳусайн ўлими олдидан, сўнг у киши шаҳид бўлган вақтда айтилган. Дастлаб келтирилган марсияда Пайғамбар ва ул зот авлоди бошига тушган жафолардан дард чекиш, фоний дунёга нисбатан ҳасрат туйғуси ифодаланган. Шаҳрибонунинг дардли мунозотида ёмонлик, зулмга қарши нафратнинг юқори даражадаги тараннумини кўриш мумкин. Хусусан:

Кетди оламдан нетай, насли поки Мустафо,
Фоний дунёдин кетодир, нури чашми Муртазо.
Ҳазрати Фотиманинг, дўстлар жигарбанди қани,
Кимга айтай бу оламни найлайин во ҳасрато.
Бу кўзим кўр бўлса яхши эрди, эй дўстлар,
Кўрмагайдим кошки бу ҳолни, эй сайидо… [5;59 б].

Имом Ҳусайн шаҳид бўлиши муносабати билан келтирилган марсияда эса, кўпроқ Шаҳрибонунинг руҳий ҳолати, дард-аламлари акс этган. Шаҳрибону қайғулари гўё эзгулик, тўғрилик, поклик изтироби бўлиб янграйди. Чунончи:

Ҳолу дилни кимга айтай эй шаҳиди Карбало,
Кимга айтай, кимга йиглай эй шаҳиди Карбало.
Доглар қўйдинг манга, эй подшоҳи оламин,
Юрагим афгор бўлди, эй шаҳиди Карбало.
Ташлабон кетдинг мани, дилхастани, бўлдим гариб,
Бу оламни кимга айтай, эй шаҳиди Карбало… [4; 64 б].

Биргина Имом Ҳусайн ўлими муносабати билан келтирилган ушбу марсиялар асар таъсирчанлигини ошириш баробарида ижодкор қаламга олган Пайғамбар ва ул зот авлоди ҳаётидаги бутун фожиаларни лирик тарзда ифодалаб берган.

Қаҳрамонлар тилидан муножот тарзида янграётган шеърларда имомзодалар ўлимидан руҳан азобланиш, қалбан дард чекиш баробарида ёмонлик, зулм-зўрлик, нопокликка нисбатан нафрат туйғулари ҳам англашилади. Кўпгина ўринларда қаҳрамонларнинг қалб нолалари, дард-аламлари Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн фожиасига уйғун ҳолда тасвирланади. Айни пайтда, инсоний дард Имом Ҳусайн орқали Ҳаққа муҳаббат, унинг жамоли фироқида нола чекиш каби суфиёна ғояларни ҳам ифодалайди. Қуйидаги парчада Карбало асирларининг Имом Ҳусайн фироқида нола чекишини айнан Хаққа нисбатан муҳаббат сифатида талқин қилиш мумкин:

Жамолин айлагач пинҳон, фироқида бўлиб гирён,
Булутдек дам-бадам мотамда зор этган мани сан-сан [5;71 б].

Яъни Ёр (Имом Ҳусайн назарда тутилган – Л.А.) жамолини пинҳон қилиши ошиқлар (Ҳусайн маслакдошлари – Л.А.) қалбига фироқ дардини солди, гўё осмонда дам-бадам булутнинг пайдо бўлиши улар қалбидаги айрилиқ, ҳижрондан (Имом Ҳусайн фироқидан – Л.А.) нишонадир. Кўриниб турганидек, бу мажозан Ёр – Аллоҳ, Ошиқлар – Аллоҳ жамоли учун руҳан покликка интилаётган соликлар йўлидир. Баъзан қаҳрамонларнинг бир-бирига муносабати, қалб изтироблари замирида Имом Ҳусайн фироқида ғамга ботиб, дард чекиш ҳамда мусулмонлар бошига жафолар солган фалакдан шикоят ётади. Хусусан, бу ҳолат душманга қарши курашда ночор қолган Зарир фироқида синглиси Фотиманинг дардли нола чекишида ўз ифодасини топган:

Фироқ дардига багримни пора-пора қилай,
Фалак жафосига бориб нетай, не чора қилай [6;76 б].

Бу каби Имом Ҳусайн фироқида қаҳрамонларнинг қайғулари билан боғлиқ мисралар асарнинг поэтик тасвир оҳангига ўзига хос руҳ бағишлаган. Ўтли мисралар воқеликни жонли лавҳаларда бериш баробарида имомзодалар бошига тушган бутун жафоларни яхлит тарзда кўрсатган. Насрий баёнда имомзодалар фожиасининг бадиий ифодаси берилган бўлса, лирик мисраларда эзгулик, покликнинг зулм-зўрлик томонидан янчилишининг фалсафий таҳлилини кўрамиз:

Дар жаҳон з-ин сифат тар ҳар гиз бало кас надид,
Дил шикантар зи ин газои к-аз газой кас надид.
То зи зебои гул башар боғи бино мурда шуд,
Дар саройи бўстон барги навои кас надид [7;104 б].

Таржимаси: *Жаҳон бунга ўхшаш балони ҳаргиз кўрмади, жанглар ичида юракларни синдирадиган бундай жангни киши кўрмаган. Башар боғининг энг гўзал гули сўлди, муаттар бўстонда ҳеч ким бундай наволи гўзал гулни кўрмади.*

Ушбу мисраларда имомларнинг ўлими инсоният ҳаётидаги энг катта фожиа сифатида, ўзаро жанглар, қон тўкишлар эса, барча жанглар ичида энг аянчлиси ва қалбларни ларзага келтирадиган мусибат тарзида баҳоланган. Ислом дини орқали дунёга поклик, эзгулик тарқатган пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) ва ул зотнинг аҳли оиласи “башар боғи”га, Имом Ҳусайн эса, шу боғнинг “гўзал гули”га қиёсланган. Яъни эзгулик, поклик боғи (мажозан, Муҳаммад (с.а.в.) дини ва бу асосда юзага келган ҳаёт тарзи) ёвуз одамлар томонидан пайҳон қилинганлиги таъкидланган. Ижодкор ташбеҳ санъати орқали “боғ” ва ундаги “гул” образлари мисолида воқеликни инсон кечинмаларига кўчиради ва Ҳусайн ўлимини мунгли, дардли, қалбларни азобловчи мусибат сифатида баҳолайди. Бунда, албатта, инсоннинг туғилиши ва охир-оқибат ўлим заҳри-

ни тотиши билан боғлиқ фалсафий фикрлар ҳам ўз ифодасини топган. Ижодкор имомзодалар бошига тушган бу каби жабру жафоларни инсон жоҳиллиги, мансаб, мартаба, шуҳратпарастлиги натижаси ўлароқ баҳолайди. Шунингдек, ҳатто қаҳрамон туйғулари кучайтирилиб, Имом Ҳусайн фожиасига ҳамоҳанг, уйғун ҳолда олинган ўринларни ҳам кўриш мумкин. Хусусан:

Фиканда бахт бадам боз дар балойи фироқ,
Фитодам аз ситамат чарх дар жафойи фироқ.
Фироқро ба назар оядам жазош диҳам,
Ба тиғи ҳижрки бандат жуз ин жазойи фироқ [8;105 б].

Таржимаси: *Айрилиқ балосида яна бахти қаро бўлдим, дунёнинг ситамли жафоларидан айрилиққа тушдим. Фироқни кўрсам, жазосини берардим. Ҳажр тиғини боғлайди, бироқ фироқ жазосини эмас.*

Ушбу мисраларда қаҳрамон фалак жафосидан, унинг айрилиқ тиғидан фироқ дардига йўлиққани, бу азобдан қадди эгилган ҳолда ғам юкига асир бўлгани ифодаланган. Муболағали бу лирик тасвирда қаҳрамоннинг Имом Ҳусайн куйида ғамга ботиши, унинг висоли умидида айрилиқ заҳрини тотиши, оқибатда бу руҳий азоблардан озор чекиши тасвирланган. Яъни Муҳаммад Ҳанифа Имом Ҳусайн оғир аҳволда қолганда ёнида бўлолмаганидан афсус, надомат чеккан. Қуйидаги руҳий изтироблар исканжасида айтилган мисралар ҳам Муҳаммад Ҳанифа қалб кечинмаларини гўзал тарзда очиб берган:

Эй фалак, оқибатам сохтӣ аз ёр жудо,
Оҳ аз ин чархэ жазопеша кэ меҳр дод.
Ҳар замон ёре дигар мекунад аз ёр жудо,
Кард аз ёр ба корам дилафкор жудо [9;118 б].

Таржимаси: *Эй фалак, охир-оқибат мени ёрдан жудо айладинг. Меҳр берган бу жафо қилувчи дунёдан оҳ. Ҳар замон бошқа ёр мени ёрдан жудо айлайди. Ишимга ёр воситасида юрагимдан жудо айлайди.*

Бу ўринда ҳам фалакдан, унинг жабру жафосидан шикоят мавжуд. Дунёга қанчалик меҳр берсанг, шунчалик азоблар, қийинчиликлар, жабру жафоларга дучор бўлаверасан. Бу дунё матоҳлари сени поклик, эзгулик, яхшилик қилишдан чалғитиб бораверади. Шундай экан, қаҳрамон қалб кечинмалари ифодаланган ушбу мисралар орқали фалсафий қарашлар илгари сурилганлигини кўриш мумкин. Бу қарашлар биргина қаҳрамон кечинмаларидан чиқиб кетиб, кенг маънода умрнинг мазмун-моҳияти ҳақида сабоқ беради. Бир жиҳатдан, қаҳрамон ёмонлар, жафокор инсонлардан жабр кўрган, эзилган бўлса, иккинчидан, меҳр берган инсони (Имом Ҳусайн – Л.А.) уни фироқ, айрилиқ дардига дучор қилиб кетди. Мисраларни яна бошқа томондан таҳлил қилганда, бу фалак унинг суйган Ёри (Имом Ҳусайн – Л.А.)дан жудо қилди. Қаҳрамон ёрдан жудо бўлса-да, аммо унинг хаёли дардидан жудо бўлишни истамайди. Ҳатто ҳиссиётларини яширолмай, ёрдан айро бўлган кўнгилни хароб, абгор кўнгил деб ҳисоблайди. Аслида қаҳрамон қалби ёрдан жудолиги учун абгор, агар унинг хаёлидан ҳам жудо бўлса, унда қалбнинг, борлиғининг не кераги бор. Бу тасвир, айни пайтда, ўзида кўнгил ва унда Ёр (Аллоҳ) муҳаббатининг жо бўлиши билан боғлиқ сўфиёна ғояларни ҳам ташиган.

Қуйидаги мисралар ҳам тасвирнинг бетакрорлиги билан аҳамиятлидир:

Фалак он фозилэ ник ахтар гӯ,
Комил болиг, хушманзар гӯ.
Олими мадрасаву фазл чи шуд?
Вориси миллати пайғамбар гӯ.
Сарваронро сарвдор чэ шуд?
Саронро ба сарон раҳбар гӯ.
Гумроҳонро ба раҳе дине набий,
Дар ҳидоят ба жуз раҳбар гӯ [8;118 б].

Таржимаси: *Фалак у фозилни хушхулқ деб айт. Комил инсон, ақл-ҳуши етук, хушсурат деб айт. Мадраса олими ва фозили нима бўлади? Пайғамбар динининг меросхўри бўлади, деб айт. Бошлиқларнинг бошлигига нима бўлди? Бошлиқларнинг бошига раҳбар бўлди, деб айт. Гумроҳларни пайғамбар динининг йўлига бошлаш – ҳидоят топтириш учун у барчага раҳбардир.*

Иброҳим Молик томонидан Муҳаммад (с.а.в.)нинг комил инсон, хушсурат, фозил, умуман, оламлар сарвари эканлиги ушбу мисралар орқали таъкидланмоқда. Дунё (зулмкор, жафокор, жоҳил инсонлар дунёси) яхши инсонлар бошига жафоларни солди. Бироқ Муҳаммад (с.а.в.) қолдирган поклик йўли ҳамиша инсонларга йўл кўрсатувчи, ҳидоятга бошловчи юлдуздир. Гумроҳ, жоҳил инсонлар эса, мансаб-мартаба талашиш билан овора. Лирик ифодада ижодкор қаламга олган воқелик ва илгари сурган бош ғоя яхлит тарзда ташхис (тамсил) санъати орқали очиб берилган. Яъни оламдан пайғамбар авлоди бошига бундай жафоларни солишининг

сабаблари сўралмоқда. Бу муножотлар аслида эзгу сифатли инсонларга, тўғрироғи, Ҳаққа қаратилган изтиробли ўкинчлардир. Айни пайтда, ёмонларнинг яхшиларга кўрсатган зулми ҳасратли тарзда ўзининг бадиий ифодасини топган.

Аксарият ҳолларда шеърий парчалар қаҳрамонлар оғир аҳволда қолганда ёки душман зулмидан озор чекканда Аллоҳга муножот сифатида янграйди. Бу шеърий муножотларда қаҳрамонларнинг ночор ва забун ҳолати акс этиш баробарида, Пайғамбар ва ул зот авлодига садоқати, муҳаббати ўз ифодасини топган:

Эй каси бекасон, ман бекасам,
Карам дастгир бажой расам.
Илоҳи бо эъзози покони ту,
Ба сўзи дили дар донакони ту.
Илоҳи ба иззати ту хорам макун,
Базли гуноҳ шармусорам макун.
Илоҳи ба эъзоз он панж тан,
Набию валию ду фарзанду зан.
Илоҳи ба эъзози номи Расул,
Ту сози дуои гарибон қабул [9;83 б].

Таржимаси: Эй кимсаларнинг кимсасизи (Аллоҳу таолонинг беҳожатлиги, ҳеч кимга муҳтож эмаслиги назарда тутилган – Л.А.) ман кимсасизман ёки чорасизман. Сенинг Карамли қўлинг билан манзилимга етайин. Илоҳим, сенинг поки эъзозинг билан юраги куйганларга шифо берувчисан. Илоҳим, ўз иззатинг ҳаққи мени хор этма, ўз инъоминг билан мен гуноҳкорни (ёмонни) уялтирма, шармисор қилма. Аллоҳим, сен севган беш эъзозли танларинг – Набий, валий, унинг икки фарзанди ва уларнинг оналари (бу ўринда набий Муҳаммад (с.а.в.), валий Али (р.а.) ва унинг икки фарзанди Ҳасан ва Ҳусайн, оналари Фотима (р.а.) ҳақида гап кетган – Л.А.) ҳаққи, Аллоҳим, сенинг Расулинг ҳурмати билан илтижо қиламан, Сен ғариб бечораларнинг дуосини қабул этгайсан.

Бу ўтли муножотлар насрий баёнда қисман тасвирланган бўлса-да, аммо лирик ифодада гўзал тарзда, китобхон дунёсига таъсир кўрсатадиган даражада берилган. Яъни дардли илтижолар замирида фақат қаҳрамоннинг оғир дамдаги руҳий изтироби эмас, балки кенг маънода, гуноҳлардан мосуво бўлган ҳолда яхши инсонлар кўмагида ўзида поклик, эзгулик касб этиши ётади. Айни пайтда, "манзилга етмоқ" жумласи ўз маъносидан ташқари, кўчма маънода қаҳрамоннинг пайғамбар, умуман, эзгу инсонлар йўли бўлган поклик манзилида юриши назарда тутилган. Бу каби муножотли шеърий парчалар кўпгина ўринларда учрайди. Қаҳрамонларнинг дардли муножотлари ҳамд сифатида Парвардигор ва дуойи хайр орқали пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) га бориб боғланади. Хусусан, Али Девона оғир аҳволда қолганда Равзайи Шарифга келиб, қуйидаги шеърни ўқийди:

Ассалом, қиймат ба тар гавҳари дарёи вужуд,
Ассалом, эй тоза тар гули барги саҳройи вужуд.
Ассалом, эй онки бу дам то дар ин меҳнат Сарой,
Дар дилам савдойи дар жонам таманнойи ту буд.
Сад саломат мей расонам ҳар дам эй хайри Киром,
То бегуй як "алайкум" дар жавобе сад салом [10; 89 б].

Таржимаси: *Вужуд дарёсининг қимматли гавҳарига ассалом,*
Вужуд саҳросининг энг тоза гул баргига ассалом.
Бу меҳнат саройига келдим ассалом деб,
Дилимда бир савдо бор, бироқ жонимда сени кўриш орзуси.
Эй улугларнинг улуги ҳар дам сенга юз салом етказаман,
Токи юзта саломга битта алайкум деб жавоб берсанг.

Бу ўринда Муҳаммад алайҳиссалом ва ул зот авлоди, умуман, эзгу сифатли инсонларнинг саховатли вужуди саҳронинг тоза гулларига, дарёнинг қимматбаҳо гавҳарларига қиёсланмоқда. Бинобарин, саховатли вужуд эгалари қийин аҳволда қолганларга дарё гавҳарлари, саҳро гуллари бўла оладилар. Агар вужуд дарё бўлса, улар унинг қимматли гавҳарларидир. Агар вужуд саҳро бўлса, унда кўкарган гул баргларидир. Қимматли гавҳар ҳам, гул барглари ҳам Пайғамбар ва ул зот авлоди, эзгу сифатли инсонларнинг нурли вужудидир. Қаҳрамоннинг пок инсонлар ҳаққига салому дуолар юбориши эса, унинг муҳаббат ва садоқатидан дарак беради.

Бу каби ўтли муножотлар орқали қаҳрамонлар қийин аҳволдан, душман зулмидан халос бўладилар. Дастлаб шеърий муножотлар биргина қаҳрамон тилидан ўз руҳий изтиробларини ифодалаган бўлса, воқеалар ривожи жараёнида, барча эзгу фазилат-

ли инсонлар ички кечинмалари, қалб туғёнларини ҳамда садоқат ва муҳаббатини ифодалашга хизмат қилган. Тўғрироғи, қаҳрамонлар қайғуси халқ, пок инсонлар изтироби сифатида янграйди. Чунончи, қуйидаги мисраларда мусулмонлар душман томонидан қийноққа солинган Муҳаммад Ҳанифага нажот беришини сўраб, Парвардигорга илтижо қилиши ҳасратли тарзда тасвирланган:

Ё раб эй шаб зинда дорон,
Ба оҳу нолаи умидворон.
Би сухта сийнаи ҳар он мазлум,
Ба оҳ нолаи тифлони маъсум.
Болин асирон сири оҳ,
Ба таслими амирон дар такка жоҳ.
Ки раҳм бар дили пурхунам овар,
Аз он гирдоби гам берунам овар [11;111 б].

Таржимаси: *Эй тунни бедор қилувчи Раббим, умидлиларнинг нолаи оҳига етказ.*

Маъсум, бегуноҳ гўдакларнинг оҳу ноласидан бу мазлумларнинг жигар поралари куйиб кетди.

Асирларнинг сирли оҳлари амирларнинг қасригача етиб, таслим бўлди.

Қон тўла юрагимга раҳм қил энди, бу гамлар гирдобидан мени чиқаргил.

Қаҳрамон ички кечинмалари уйғунлигида айтилган муножотлар бутун воқеликнинг моҳиятини очишга, образлар руҳий ҳолатини кўрсатиб беришга хизмат қилган. Бу ўринда қаҳрамоннинг айрилиқ ва ғамга тўлган қалби барчанинг дарди сифатида янграган. Чунончи, зулмкор инсонлар етказган мусибатлардан ёшу қари, ҳамма қайғуга ботди. Уларнинг кучли оҳу ноласидан қалблар эзилди. Насрий баёнда ўзаро жанглар туфайли қанчадан-қанча одамларнинг қони тўкилиши аянчли тарзда тасвирланган. Мисралардаги муболағали лирик ифода орқали эса, жангларда инсонларнинг қони тўкилиши, бу каби жабру зулмлардан руҳан ва жисман азобланиши, қийналиши ифодаланган. Биргина қаҳрамон фарёди бутун инсонлар фарёди, дарди сифатида ўзига хос бадиийлик касб этган.

Қуйидаги мисраларда эса, қаҳрамон туйғулари янада кучайтирилиб, уларнинг эзгу фазилатли инсонларга чексиз муҳаббати, ишқ ва ошиқликнинг гўзал тасвири ўз бадиий ифодасини топганлигини кўриш мумкин:

Ошиқон ҳарчанд муштоқи жамоли дилбаранд,
Дилбарон бар ошиқон аз ошиқон ошиқ таран.

Таржимаси: *Ошиқлар ҳарчанд дилбарнинг жамолига муштоқдирлар, дилбарлар эса, ошиқларга ошиқлардан ҳам ошиқроқдирлар.*

Қаҳрамоннинг ҳис-туйғулари, қалб кечинмаларини ўзида ёрқин ифодалаган ушбу ошиқона мисралар юқори даражадаги сўфиёна ғояларни ташишга хизмат қилган. Бу ўринда ошиқлик биргина Имом Ҳусайнга эмас, балки Пайғамбар (с.а.в.) бошчилигида эзгу сифатли инсонларга ошиқ бўлишдир. Улар ишқида азобланиш, дард чекиш, ҳажрида ғамга ботишдир. Чунончи, қалби ишқ билан лиммо-лим қаҳрамон ишқдан дам ураётган ошиқларга ҳақиқий ишқ ва ошиқликдан сабоқ бермоқда. Насрий баён мазмунидан келиб чиқиб таҳлил қилганда, пайғамбар авлодига душманлик қилган инсонлар қанчалик ул зот эътиқодига садоқати ва муҳаббатидан дам урмасин, барибир, улар ишқ, ошиқликдан анча йироқдир. Зеро, ҳақиқий ошиқ қалби меҳр-муҳаббат, эзгулик билан тўлиб тошган. Бундай инсонлар табиати эса, ёмонлик, зулм-зўрликдан бегона.

Ушбу фикрлар қуйидаги мисраларда давом эттирилиб, эзгу инсонларни қадрлаш ва уларга умр тилаш орқали қаҳрамоннинг жасорати ва кучи қаламга олинган:

Шоҳо, бақои умри ту бодо ҳазор сол,
Иқбол дар паноҳи ту бодо ҳазор сол.
Соле ҳазор моҳу маҳе сад ҳазор рўз,
Рўзе ҳазор соату соате ҳазор сол [12;179 б].

Таржимаси: *Шоҳо, бу оламда даврон сур минг йил, иқбол паноҳида шодмон юр минг йил. Йилинг минг ой бўлсин, бир ойинг минг кун, бир кунинг минг соат, бир соат минг йил.*

Қаҳрамонлар томонидан Муҳаммад Ҳанифага қарата айтилган ушбу мисраларда халифани олқишлаш, унга дуои хайр, умр тилаш ва айни дамда халифага бўлган меҳр-муҳаббати, садоқати ўз ифодасини топган. Маънавий юксаклик замирида эса қаҳрамоннинг тенгсиз жасорати, куч-қудрати ётади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, XVIII аср хаттотлик санъати намуналарида Бухоро амири Муҳаммад Раҳимхонга бағишланган шеърий парчаларда ҳам ушбу тўртлик учрайди. Амирни олқишлаш учун айтилган мазкур мисраларни хаттот Мир Маъсум Бухорий гўзал ҳуснихатда кўчирган [12;197 б.].

Муҳаммад Ҳанифага муҳаббат ва унинг жасорати тараннум этилган бу каби мисралар кўпчиликни ташкил этади ва уларнинг аксариятида эзгулик

куйланган. Бу эса, ўз навбатида, насрий баённи гўзал ва такрорланмас тарзда ифодаланишига хизмат қилган. Воқеликка муносабат сифатида келтирилган мисралар ҳам ўзига хос оҳангда ва таъсирчан ифодалаган.

Ижодкор имомзодалар фожиасини қаҳрамонлар тилидан бериб бориши насрий баённга ўзига хос руҳ бағишлаган. Айни пайтда, шеърий парчалар орқали имомлар учун қаҳрамонларнинг руҳий изтироб чекиши, фироқ ва ҳижрон азоблари, жафокор фалакдан шикоят, душманларга қарши жангларда жасорат кўрсатиш, мардонавор ҳаракатлар ёрдамида садоқат ва муҳаббатнинг ифодаланиши ва барча-барчасининг замирида тасвирланаётган воқеликнинг поэтик жозибасини янада ошириш, китобхон руҳияти, шуурига кучли таъсир кўрсатиш ҳамда воқеликнинг қизиқарли чиқишига эришиш ётади. Шундай экан, Имом Ҳусайн ўлими билан бир вақтда, Имом Ҳасаннинг фожиасини тасвирлаш ҳам воқеликнинг таъсир даражасини оширишга хизмат қилган. Албатта, бу билан дунёнинг ўткинчи, фонийлиги такрор ва такрор тилга олиниши орқали инсонларни ёмонлик, жоҳилликдан қайтариш каби гуманистик ғояларга даъват этилади. Чунончи, Муҳаммад Ҳанифа томонидан айтилган қуйидаги мисраларга эътиборни қаратсак:

Рэхит сўзан олмос пора аз қади Ҳасан,
Ки талх гашт аз он оби хушквонад Ҳасан [13;105 б].

Таржимаси: *Бир пора олмос тикани Ҳасаннинг бўйидан тўкилди. Ундан кўз ёш сувлари қуриб, аччиқ бўлди эй Ҳасан.*

Тасвирда Имом Ҳасан фожиаси бадиий тарзда, ички туйғулар уйғунлигида очиб берилган. Насрий баённда Имом Ҳасанга бир неча бор заҳар берилиши ва охир-оқибатда вафоти бадиий тарзда тасвирланган. Ҳасан ўлимининг қаҳрамонлар томонидан такрор эсланиши асар таъсирчанлигини оширган.

Моҳ аз авж шараф ёфт заволи дил ҳайф,
Кард то ҳийлаи гарб фано манзил ҳайф [14,15,16;118 б].

Таржимаси: *Ой авждан шараф топди, юрак заволи ҳайф. Ғарб ҳийла қилгунича, манзил фаноси ҳайф.*

Ой ўз нури (тўлиши) билан шараф топди. Аммо ғам юкидан қадди букилган қаҳрамон бу юкдан халос бўлмади. Юқорида айтилганидек, ойнинг кетиши билан яна қоронғулик, зулмат бўлиши, яхши инсонларнинг ўлим топиши қаҳрамон қалбига айрилиқ, дардни солиб кетганлигини англатган.

Ижодкор насрий баёнда тасвирлаган жанг ҳолатини лирик мисраларда жонли ва таъсирчан тарзда беради. Қуйидаги мисраларда тун қоронғулигини забт этиб, қуёшнинг чиқиши гўё ёмон кучлар, шайтон исканжасидан мусулмонлар Расул Акрам раҳбарлигида ёруғликка чиқиши тасвирланган. Ҳатто мусулмонларнинг дардли нолаларига, улар мотамига шайтон ҳам дош беролмади:

Субҳидам офтобе нуроний,
Саркашид аз ҳижобе зулмоний.
Гулуйи Аҳриман ҳама зи шикофт,
Қуввати мотам Сулаймоний.
Тарк хар ки ниишин мурод омад,
Такя зад бар сарири султоний.
Бар тарннуми фигон баровардан,
Булбулоне чаман ба хушхоний.
Кааннама ал-мустафо Расулуллоҳ,
Даъваташ раҳнамои ҳар гумроҳ [17,18;127 б].

Таржимаси: *Тонгда нуроний қуёш тун пардасини кўтаришдан бош тортди. Аҳриманнинг (шайтон, иблис, ёмонлик) томоги яланг очилиб, нафсининг қувватидан Сулаймоний мотам. Эшакни тарк этиш мақсадга мувофиқ. Султоннинг тўшагига суянди. Чаманнинг хушовоз булбуллари унинг фигонидан тараннум этдилар: "Гўёки танланган Аллоҳнинг расули", деб. Ҳар гумроҳга Расулуллоҳнинг даъватлари йўл кўрсатувчидир.*

Ушбу парчада пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) нинг туғилишларига ҳам ишора бор. Яъни Муҳаммад алайҳиссалом туғилган вақтда шайтон ва унинг малайлари бўлган жинларга ваҳима, қўрқув тушади. Улар тўғрилик ва покликка бошловчи пайғамбар туғилишидан ларзага тушадилар. Ижодкор гўзал ташбеҳ санъатини қўллаш орқали Қуёш, ёруғлик, тонгни эзгу, пок инсонларга, қоронғулик, зулматни ёмон инсонларга, ёвуз кучларга, шунингдек, ёруғликни қоронғулик, зулматдан бош кўтаришини эса мусулмонларнинг озодликка, тўғрилик ва поклик сари йўл олишига қиёсламоқда.

Қуйида келтирилган мисралар ҳам руҳий даъват, эзгулик ҳайқириғи сифатида янграйди. Бу Муҳаммад Ҳанифа асир олинганда Мохон томони-

дан мусулмонларга қарата огоҳлик сифатида айтилган:

Қазо чун хуни гардун фуру ҳаст сар,
Ҳама оқилон кўр гаштан агар [19;148 б].

Таржимаси: *Тақдир ҳукмидан олам боши қон бўлди, барча оқиллар кўр бўлди.*

Ушбу мисраларда инсон ва дунё ўртасида ўзаро боғлиқликдаги чуқур фалсафий маъно таҳлилга тортилган. Яъни фалак қон тўкиш, ўлимдан шунчалик хурсанд эканми, оқил, доно инсонлар булардан бехабардек, тентираб юрсалар. Бу билан айтмоқчики, доно, ақлли инсонлар шунчалик ғафлатда бўлганлигидан, ёмонлик, зулм-зўрлик натижасида қон тўкиш, ўлим кучайган бўлса. Албатта, мазкур фикрлар насрий баёнда мусулмонларга қарата айтилган бўлса-да, аммо кенг маънода инсон моҳияти, яшашнинг мазмуни тўғрисида сабоқ берадиган гуманистик ғоя сифатида муҳим аҳамият касб этган.

Зарир билан Фозил ибни Торук ўртасидаги жанг манзараси тасвирида муаллиф томонидан қуйидаги шеър келтирилган:

Бар сараш захме, ки аз шамшери он душман расид,
Гашт чун жўйе, ки он гирдобе хун омад падид.
Дар бараш шуд аз раҳи халқай гирдоб хун,
Дўстонро дил дар он гирдобй хун [20;188 б].

Таржимаси: *Душманнинг шамширидан унинг бошига зарба етди. Ундан оққан қон худди ариқдан оққандек гирдоб билан оқди. Йўллар қондан ҳалқали гирдоб бўлди. Дўстлар уни кўргандан юрак-бағирлари гирдобли қон бўлди.*

Ижодкор жанг манзарасини янада жонли тасвирлаш мақсадида ўша пайтдаги қаҳрамон ҳолатини инсон кечинмаларига кўчиради. Қаҳрамон танасидан оққан қон кучайтирилиб, гўё гирдоб билан оқди. Дўстлар бу ҳолни кўриб, юраклари қон бўлди, яъни азобланди, эзилди. Поклик учун курашган ижобий қаҳрамон жисмидан томган қон гўё унинг дўстлари қалбидан отилиб чиққан дардли, қайғули ёшлар сифатида талқин этилган. Бу билан қаҳрамон ҳис-туйғулари муболағали тарзда кучайтириб тасвирланган.

Маълумки, тарихий манба ва ривоятларда Али (р.а.)нинг паҳлавонлиги, жанглардаги тенгсиз жасорати Зулфиқор (икки тиғли) қиличининг кучига ҳамоҳанг тарзда тасвирланиб, барча паҳлавонлар Али (р.а.)дек кучли бўлишга интилганлар. Асар қаҳрамонлари ҳам жасоратда шу даражада тенгсизки, уларнинг мададкори Аллоҳ, жангдаги пири эса, Ҳайдар (Али)дир. Уларнинг қиличи ҳам Зулфиқордек кескир ва ғайритабиий кучга эга. Мисралардан шуни англаш мумкинки, мусулмонлар Ҳақнинг ёрдами билан зулм-зўрлик, ёвузлик, жоҳиллик устидан ғалаба қозондилар. Шунингдек, асарда яна бир қанча шеърий парчалар бўлиб, улар турли ҳолат ва воқеликка муносабат сифатида келтирилган.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, насрий баён таркибида келтирилган шеърий парчаларни қўлланилиш ўрни ва воқеликни инсоний кечинмалар уйғунлигида ёритиб беришига кўра қуйидагича таснифлаш мумкин:

– Имом Ҳусайн фожиасига муносабат тарзида қаҳрамонларнинг қалб нолалари ифодаланган шеърий парчалар;

– қаҳрамонлар душман зулми остида ночор аҳволда қолганда Аллоҳга муножот сифатидаги шеърлар;

– қаҳрамонлар куч-қудрати таърифи ҳамда ўзаро муносабати ифодаланган шеърий парчалар;

– воқелик ҳамда қаҳрамон хатти-ҳаракатига муносабат сифатида келтирилган шеърий парчалар.

Кўринадики, шеърий парчалар аксарият ўринларда имомзодалар ўлими муносабати билан руҳий изтироб сифатида келтирилган бўлса-да, аммо ижодкор асарда илгари сурган гуманистик ғояларни бадиий тарзда, ҳис-туйғулар уйғунлигида очиб берган. Ҳар бир шеър ўзида гўзал фалсафий ғояни ташиган. Чунончи, унда инсон моҳияти, тириклик мазмуни, муносабатлар талқини фалсафий таҳлилга тортилган ва ижодкор қарашлари асосида ёритилган.

Хулоса қилиб айтганда, лирик парчалар Имом Ҳусайн фожиасига муносабат, руҳий изтироб сифатида қўлланилган бўлса-да, муаллиф асарда илгари сурган инсонпарварлик ғояларини бадиий тарзда очиб беришга, фалсафий, дидактик қарашларни ифодалашга хизмат қилган.

ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Shavkat Mirziyoyevning IHT Tashqi ishlar vazirlari kengashining 43-sessiyasida “Ta’lim va ma’rifat – tinchlik va bunyodkorlik sari yo‘l” mavzusida so‘zlagan nutqi. 2016-yil 18-19-oktyabr. https://daryo.uz

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning “Ijtimoiy barqarorlikni ta’minlash, muqaddas dinimizning sofligini asrash – davr talabi” mavzusidagi anjumanda so‘zlagan nutqi, 2019-y 15-iyun. https://daryo.uz
3. Abdulg‘afur Razzoq Buxoriy. Sharq xattotlik va miniatyura san’atidan namunalar (VII–XXI asrlar). – T.: O‘zbekiston, 2011.
4. Imom Hasan va Imom Husayn qissasi. – T.: Yangi asr avlodi, 2003.
5. Musibatnomai turkiy. 12784 inventar raqam bilan O‘zR FA SHI qo‘lyozmalar fondi.
6. Musibatnomai turkiy. 12549 inventar raqam bilan O‘zR FA SHI qo‘lyozmalar fondi.
7. Musibatnomai turkiy. 4686 inventar raqam bilan O‘zR FA SHI qo‘lyozmalar fondi.
8. Musibatnomai turkiy. 16849 inventar raqam bilan O‘zR FA SHI qo‘lyozmalar fondi.
9. Musibatnomai turkiy. 12523 inventar raqam bilan O‘zR FA SHI qo‘lyozmalar fondi.
10. Musibatnomai turkiy. 12244-I inventar raqam bilan O‘zR FA SHI qo‘lyozmalar fondi.
11. Qissai imom Husayn. 12040 inventar raqam bilan O‘zR FA SHI qo‘lyozmalar fondi.
12. Abdulg‘afur Razzoq Buxoriy. Sharq xattotlik va miniatyura san’atidan namunalar (VII–XXI asrlar). – Toshkent: O‘zbekiston, 2011.
13. Qissai imom Husayn. 9927-I inventar raqam bilan O‘zR FA SHI qo‘lyozmalar fondida saqlanadi.
14. Musibatnomai turkiy. 1430 inventar raqam bilan O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi Manbalar xazinasi fondi.
15. Musibatnomai turkiy. 2487 inventar raqam bilan O‘zR FA H.Sulaymonov nomidagi qo‘lyozmalar fondi.
16. Musibatnomai turkiy. 5141 inventar raqam bilan O‘zR FA H.Sulaymonov nomidagi qo‘lyozmalar fondi.
17. Musibatnomai turkiy. 2982 inventar raqam bilan O‘zR FA H.Sulaymonov nomidagi qo‘lyozmalar fondi.
18. Musibatnomai turkiy. 3713 inventar raqam bilan O‘zR FA H.Sulaymonov nomidagi qo‘lyozmalar fondi.
19. Musibatnomai turkiy. 6147 inventar raqam bilan O‘zR FA H.Sulaymonov nomidagi qo‘lyozmalar fondi.
20. Musibatnomai turkiy. 1428 inventar raqam bilan O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi Manbalar xazinasi fondi.